



27

2016 у.г. «6» февраль

№ 214-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд тумани «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ангаролмас» маҳалласида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш уйи ва савдо дўкон биноларига эгалик қилиш ҳуқуқини фуқаро Салимов Дилшод Абдуқаюмовичга бериш тўғрисида

Фуқаро Салимов Дилшод Абдуқаюмович туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этиб «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ангаролмас» маҳалласида жойлашган эски пиллахона биносини бузиб урнига маиший хизмат кўрсатиш уйи ва савдо дўкон биноси қурганлиги сабабли ушбу қурилган биноларга эгалик ҳуқуқини берувчи қарорини тиклаб беришни сўраган. Такдим қилинган ҳужжатлар яъни туман ҳокимининг 2009 йил 6 майдаги 470-Қ сонли қарори, туман давлат санитария эпидемиология назорати марказининг 2016 йил 10 февралдаги 01/96-сонли хулосаси, туман Ички ишлар бўлими ёнгин хавфсизлиги бўлинмасининг 2016 йил 10 февралдаги 69-сонли ва туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2016 йил 10 февралдаги 164-сонли маълумотномалари ҳамда туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация ҳужжатларини иноватга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1-сонли қарорига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд тумани «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ангаролмас» маҳалласида жойлашган айвон (қурилиш ости майдони 320,96 м.кв), дам олиш биноси (қурилиш ости майдони 162,0 м.кв), ертўла (қурилиш ости майдони 162,0 м.кв), қозонхона (қурилиш ости майдони 14,65 м.кв), маиший хизмат кўрсатиш уйи ва савдо дўкон (қурилиш ости майдони 143,98 м.кв) ва молхона (қурилиш ости майдони 271,04 м.кв)га эгалик қилиш ва жами 0,20 га ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи фуқаро Салимов Дилшод Абдуқаюмовичга берилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси»га асосан, мулк ва ер солиғини ундириш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Хўжамуродов)га ва кадастр рўйхатидан ўтказиш вазифаси туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Очилов)га топширилсин.
3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров